

**“ЎзРТХАБ” АЖ Юридик хизмати
томонидан «29» декабр 2015 й. 3 сон
билан рўйхатга олинган**

**“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг
2015 йил 29-декабрдаги 195-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**«ЎзРТХБ» АЖ савдо майдончалари ва брокерлик идоралари фаолияти
самарадорлигини баҳолаш бўйича рейтинг тизими тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу «Ўзбекистон Республика товар-хон ашё биржаси» АЖ савдо майдончалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича рейтинг тизими тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари томонидан 2015 йил 22 июнда тасдиқланган тадбиркорлик субъектларининг товар бозорларидаги иштироки даражасини оширишга қаратилган 02/1-301-сонли комплекс чоралар, шунингдек «ЎЗРТХАБ» АЖда биржа савдолари Қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низомнинг мақсади савдо майдончаларининг рейтингини, савдо майдончалари фаолияти натижаларини мунтазам, комплекс ва холис баҳолаш, кейинчалик уларни рўйхат бўйича – юқори коэффициентдан қуйига қараб тартибга солиш тизими тушунилади.

Рейтинг натижалари ахборот тусига эга.

II. Рейтинг тизимининг мақсади ва унинг вазифалари

3. Рейтинг тизимининг мақсади бу, савдо майдончаларининг ҳақиқий ҳолати тўғрисида холис маълумотга эга бўлиш ва олинган маълумотларга асосан уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда биржа, кўргазма-ярмарка ва кимошди савдолари миқозларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

4. Рейтинг бўйича баҳолашнинг асосий вазифалари:

- савдо майдончалари томонидан миқозларга хизмат кўрсатишнинг жорий ҳолати ва даражасини аниқлаш;

- савдо майдончалари ва улар ходимларининг ишини режалаштиришни такомиллаштириш;

- савдо майдончалари рейтингини ошириш учун имконият берувчи фаолиятни рағбатлантириш;

- савдо майдончалари ходимлари ва савдо майдончаларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

- савдо майдончалари ва улар регистраторларининг ишлаш даражасини баҳолаш ва назорат қилишнинг ягона комплекс мезонларини белгилашдан иборат.

5. Брокер контораларининг рейтинг баҳолаш кўрсаткичининг асосий вазифалари қуйидагидлардан иборат.

- миқозларга хизмат кўрсатиш сифат даражасини брокерлик конторалари орқали аниқлаш.

-брокерлик конторалари ва уларнинг трейдорлари фаолиятининг маълумотлар базасининг шакллантириш бўйича.

-Ягона мезонлар комплексини ташкил этиш учун брокерлик контораларини ва уларнинг трейдорларини сифатли баҳолаш.

III. Рейтингни аниқлаш механизми

6. Рейтинг бўйича баҳолаш, савдо майдончалари томонидан миждозларга хизмат кўрсатиш шароитлари, ҳуқуқий ва ишчанлик маданияти, савдо майдончаларида фаолият юритаётган трейдерлар ва агентлар малакасининг ҳолатлари юзасидан ишланган маълумотлар асосида амалга оширилади.

7. Савдо майдончалари рейтинг баҳоларини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар инобатга олинади:

савдо майдончаларининг ҳудудий дислокацияси (жойлашуви);

миждозлар учун яратилган шарт-шароитлар (савдо майдончаси биноларининг аҳволи, уларнинг компьютер ва бошқа орг.техника, алоқа воситалари билан жиҳозланганлиги);

савдо майдончасининг савдоларга янги миждозларни ҳамда янги товар турларини жалб қилишдаги фаоллиги;

савдо майдончаси трейдери ва агенти томонидан биржа савдоларида, кўргазма-ярмарка савдосида, давлат ва корпорати харидларда тузилган битимларнинг умумий суммаси миқдори;

савдо майдончасининг савдо залларида фаолият кўрсатаётган трейдер ва биржа агентларининг сони;

регистратор ва трейдерларнинг малакаси.

8. Брокерлик контораларини баҳолаш кўрсаткичини аниқлаш учун қуйидагиларни илова этиш мумкин.

- брокерлик конторанинг ҳудудий дислокацияси (жойлашуви)

-фаол трейдерлар сони.

-брокерлик конторасининг иш тажрибасининг иш тажрибаси (аккредитациядан сўнг)

-трейдерларнинг профессионал малакаси.

-жарима ва жазонинг мавжудлиги.

-биржа савдоси бўйича амалга оширилган шартномалар суммаси (харидор)

-биржа савдоси бўйича амалга оширилган экспорт шартномалар суммаси.

-битимлар суммаси (миқдор) ва бошқа товарлар бўйича биржа савдоларда амалга оширилган битимлар.

-биржа савдоларида шартнома тузган янги сотувчилар

-биржа савдоларида сотилган янги товарлар.

9. Ҳар бир кўрсаткич бўйича ушбу Низомнинг №1 ва №2 банд иловасига мувофиқ баллар қўйилади.

10. Савдо майдончаси рейтингининг якуни ва брокерлик конторасининг ҳар бир кўрсаткич бўйича савдо майдончасига қўйилган баллар суммаси бўйича аниқланади.

11. Рейтинг якуни кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш Маркази ва Маклериатнинг брокерлик контораси бўйича ваколатли ходимлари томонидан ҳар чорак бўйича:

12. Рейтинг баҳолаш натижаси савдо майдончаси ва брокерлик конторасининг жадвалида расмийлаштирилади ва тизимлаштирилган савдо майдончаси ва брокерлик контораси бўйича рейтинг кўрсаткичи юқоридан қуйига қараб пасайиб боради.

-Ягона Республика рўйхати кўринишида.

-Минтақавий (худудий) бўлим рўйхат кўринишида.

13. Савдо майдончаси ва брокерлик конторасининг якуний хулосалари эълон қилинган даврдан бошлаб 1 hafta мобайнида савдо майдончаси ва брокерлик контораси томонидан эътироз этилиши мумкин.

Рейтингни аниқлаш натижалари бўйича шикоят ва эътирозлар савдоларни ташкил этиш бўйича директор томонидан кўриб чиқлади.

IV. Моддий ва маънавий тақдирлашлар

14. Рейтинг баҳолари натижалари расмий (www.uzex.uz) веб-сайтда, шунингдек «ЎзРТХБ» АЖнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

15. Чорак якунида рейтинг баҳолари бўйича республика ва ҳудудий рейтингда биринчи ўринни эгаллаган савдо майдончасига деворга ўрнатиладиган «Республиканинг (вилоятнинг) энг яхши савдо майдончаси» белгиси берилади.

16. Чорак якунида рейтинг бўйича яхши баҳоланган савдо майдончалари Марказ тақлифига асосан биржа номидан қимматбаҳо совға билан мукофотланиши мумкин.

**«ЎзРТХАБ» АЖ савдо майдончалари ва брокерлик
идоралари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича
рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга 1-сонли илова**

Савдо майдончалари бўйича тасдиқланган кўрсаткичлар бўйича баллар

№	Кўрсаткич	Туман марказидаги савдо майдончаси	Вилоят марказидаги савдо майдончаси	Тошкент шаҳридаги савдо майдончаси	Балларни ҳисоблаш тартиби
1	СМнинг ҳудудий жойлашуви	25 балл	10 балл	5 балл	Рейтинг ўтказиш пайтида
2	Техника билан жиҳозланиши	1 баллдан 10 баллгача	1 баллдан 10 баллгача	1 баллдан 10 баллгача	Рейтинг ўтказиш пайтида
3	Фаол* трейдерлар сони (рейтинг вақтида фаоллиги)	Хар бирига 1,5 баллдан (15 баллдан кўп эмас)	Хар бирига 1,5 баллдан (15 баллдан кўп эмас)	Хар бирига 1,5 баллдан (15 баллдан кўп эмас)	Рейтинг ўтказиш пайтида
4	Трейдернинг малака квалификацияси	Хар бир тестдан ўтган трейдерга 1 баллдан (15 баллдан кўп эмас)	Хар бир тестдан ўтган трейдерга 1 баллдан (15 баллдан кўп эмас)	Хар бир тестдан ўтган трейдерга 1 баллдан (15 баллдан кўп эмас)	Рейтинг ўтказиш пайтида
5	Регистраторнинг малака квалификацияси	Олинган баллдан 10 фоизи	Олинган баллдан 10 фоизи	Олинган баллдан 10 фоизи	Рейтинг ўтказиш пайтида
6	Жарима ва жазоларнинг мавжудлиги	Хар бири учун 10 балл (-50 баллдан кўп эмас)	Хар бири учун 10 балл (-50 баллдан кўп эмас)	Хар бири учун 10 балл (-50 баллдан кўп эмас)	Рейтинг ўтказиш пайтида
7	Экспорт бўйича тузилган контрактлари суммаси (сотувчилар)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 6 баллдан (50 баллдан кўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 4.5 баллдан (50 баллдан кўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 3 баллдан (50 баллдан кўп эмас)	Йил бошидан

8	Кўргазма ярмарка савдоларида тузилган контрактлар суммаси	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 3 баллдан (50 баллдан кўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 3 баллдан (50 баллдан кўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 3 баллдан (50 баллдан кўп эмас)	Йил бошидан
9	Давлат харидларида тузилган контрактлар суммаси	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 3 баллдан (60 баллдан кўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 2 баллдан (60 баллдан кўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 1 баллдан (60 баллдан кўп эмас)	Йил бошидан
10	Корпоратив харидларида тузилган контрактлар суммаси	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 3 баллдан (60 баллдан кўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 2 баллдан (60 баллдан кўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 1 баллдан (60 баллдан кўп эмас)	Йил бошидан
11	Биржа савдоларида шартнома тузган янги сотувчилар сони	Хар бир янги сотувчи учун 10 баллдан	Хар бир янги сотувчи учун 5 баллдан	Хар бир янги сотувчи учун 3 баллдан	Йил бошидан
12	Биржа савдоларида янги сотилган товарлар сони	Хар бир янги товар учун 10 баллдан	Хар бир янги товар учун 5 баллдан	Хар бир янги товар учун 3 баллдан	Йил бошидан

**«ЎзРТХАБ» АЖ савдо майдончалари ва брокерлик
идоралари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича
рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга 2 сонли илова**

Брокерлик идоралари бўйича тасдиқланган кўрсаткичлар бўйича баллар

№	Кўрсаткич	Савдо майдончаларида жойлашган брокерлик идолари	Биржа филиалларида жойлашган брокерлик идолари	Балларни хисоблаш тартиби
1	БИ худудий жойлашуви	10 балл	5 балл	Рейтинг ўтказиш пайтида
2	БИ иш малакаси (аккредитациядан кейин)	Хар бир иш йили учун 2 баллдан	Хар бир иш йили учун 1 баллдан	Рейтинг ўтказиш пайтида
3	Фаол трейдерлар сони	Хар бир трейдер учун 2 баллдан	Хар бир трейдер учун 1,5 баллдан	Рейтинг ўтказиш пайтида
4	Трейдернинг малака квалификацияси	Хар бир тестдан ўтган трейдерга 2 баллдан	Хар бир тестдан ўтган трейдерга 2 баллдан	Рейтинг ўтказиш пайтида
5	Жарима ва жазолар: - 6 ойга тўхтатилди - хар бир қоида бузарлик (жарима)	-5 балл -3 балл	-5 балл -3 балл	Йил бошидан
6	Биржа савдоларида тузилган ички контрактлар суммаси (сотиб олувчи)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 7 баллдан (35 баллдан қўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 5 баллдан (35 баллдан қўп эмас)	Йил бошидан
7	Биржа савдоларида хорижий валюта бўйича тузилган контрактлар суммаси (сотиб олувчи)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 10 баллдан (70 баллдан қўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 10 баллдан (70 баллдан қўп эмас)	Йил бошидан
8	Биржа савдоларида бошқа товарлар бўйича тузилган контрактлар суммаси (сотиб олувчи)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 5 баллдан (50 баллдан қўп эмас)	Худуддаги жами тузилган контрактлар қийматидан хар бир фоизи учун 5 баллдан (50 баллдан қўп эмас)	Йил бошидан

9	Количество новых клиентов-продавцов, заключивших контракты на биржевых торгах	Хар бир янги сотувчи учун 10 баллдан	Хар бир янги сотувчи учун 8 баллдан	Йил бошидан
10	Биржа савдоларида янги сотилган товарлар сони (сотувчи)	Хар бир янги товар учун 8 баллдан (50 баллдан кўп эмас)	Хар бир янги товар учун 5 баллдан (50 баллдан кўп эмас)	Йил бошидан